



Куръон мухаббатининг аломатлари

Маълумки, калб бир нарсага мухаббат килса, унга боғланиб қолади, унга мушток бўлади, унга каттик кизикади ва ундан бошқа нарсалардан узилади. Агар калб Куръонга мухаббат килса, унинг кироатидан лаззатланади, унга бор эътиборини каратади ва бунинг натижасида чуқур тушунишу тадаббур хосил бўлади. Аксинча, агар мухаббат бўлмаса, калбнинг Куръонга юзланиши кийин бўлади. Куръонга томон бурилиш факатгина нафсини каттик тергаш, ўзини мажбурлаш оркали жуда хам огир кечади. Куръон мухаббатининг хосил бўлиши тадаббурнинг энг кучли ва олий даражада кечишига сабаб бўлади.

Воқеъликда хам бунинг тўғри эканига гувоҳ бўламиз. Мисол учун ўқишга рағбати ва

“Эй иймон келтирганлар, сизга хаёт берадиган нарсага чакирганларида Аллох ва Расулига жавоб беринг ва

’
билингки, албатта, Алло

х

киши билан унинг калбини ажратиб кўяди ва, албатта, Унинг

х

узурида тўпланурсиз”

(Анфол сураси, 24-оят)

Куръонни фахмлаш инсон харакат килиб эришадиган нарса эмас, балки ягона Аллохдан бўлган инъомдир. Агар сизга тадаббур эшиги очилган бўлса, бу Аллох таолодан бўлган улуг неъматдир. Бу неъматга шукр килиш лозим, фахрланиш эмас.

Аллох сизга Куръонни тушуниш, маъноларини англаш неъматини ато килган бўлса, Аллох таолога хамд айтинг ва зиёда бўлишини сўранг. Бу неъматни факат Аллохдан деб эътироф килинг.

Хар бир мусулмон ўзига ўзи шундай савол бериши керак: “Мен Куръонни яхши кўраманми?”

Баъзи мусулмонлардан “Куръонни яхши кўрасизми?” деб сўралса, “Ха, Куръонни яхши кўраман, кандай килиб яхши кўрмаслигим мумкин?!” деб жавоб беришади. Лекин улар бу жавобда ростгўймилар?

Соатлаб хавойи нафси хохлаган дунё матоси билан бирга бўлган инсон, Куръон билан эса бир неча дакика бирга ўтиришга хам токати йўк киши кандай килиб Уни яхши кўриши мумкин?!

Абу Саид айтади: “Банда ўзидан Куръон хакида сўрасин. Агар Куръонни яхши кўрса, Аллох ва расулини хам яхши кўради”.

Куръон мухаббатыда ростгўй эканингизни билиш учун калбингизда куйидаги белгиларни текшириб кўринг:

- 1) у билан учрашганда хурсанд бўлиш;
- 2) у билан узок вақт малолланмасдан ўтириш;
- 3) ундан бир неча вақт йирок бўлганда уни соғиниш;
- 4) у билан учрашишни сабрсизлик билан кутиш;
- 5) у билан учрашишга халал берадиган тўсиқларни бартараф этишга ҳаракат қилиш;

Мусхафингиз билан бирга бўлган лаҳзаларни соғинасизми? Куръондан узок бўлган пайтингизда, ўртада халал берувчи тўсиқлар пайдо бўлганда чанкоклик ва очликни ҳис қиласизми? Куръон билан бирга ўтиришга эҳтиёж сезасизми?

6) дунё ишларидан чарчаган, кийинчилик пайтларида унга кўп мурожаат этиш, ишониш ва муомала қилиш:

7) буйруқларига итоат қилиб, қайтарикларида қайтиш.

Куръон буйруқлари ва қайтарикларига ҳушў-ҳузуў ила бўйсунасизми?

Мана шулар Куръон мухаббатининг муҳим белгиларидир. Агар шу белгиларни ўзингизда топсангиз, демак, Куръонга бўлган мухаббатингиз мавжуд. Аксинча бўлса,

Куръон мухаббати сизда йўқдир. Агар бу белгиларнинг бирортасига хилоф килсангиз, демак, Куръонга бўлган мухаббатингиз ҳам ноқисдир.

Барчамиз мазкур белгиларда нуқсонимиз бор, деб эътироф этамиз ва ҳолатимизни ўзгартиришга ҳаракат қиламиз.

*Араб тилидан **Абу Абдулқодир** таржимаси*